

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Жомбой тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Джамбайского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 у.ғ. « 20 » август № 602-қ

Жомбой т., – г. Джамбай

Жомбой тумани “А.Қурбонов” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “ANVAR ZAMON NUR” маъсулияти чекланган жамияти томонидан 0,49 гектар ер майдонида 5-каватли турар-жой бинолари қурилишига руҳсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июндаги “Қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойларни қуришда тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сонли қарори, туман ҳокимининг 2020 йил 30 апрелдаги 268-қ сонли қарорини ва Самарқанд вилоятида қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектлари учун танлов ўтказиш комиссиясининг 2020 йил 10 августдаги 1/2-Сам/2020-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”нинг 6, 23-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоятида қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектлари учун танлов ўтказиш комиссиясининг 2020 йил 10 августдаги 1/2-Сам/2020-сонли баёни ижро учун қабул қилинсин ва Жомбой тумани “А.Қурбонов” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимининг 2020 йил 30 апрелдаги 268-қ сонли қарори билан ажратилган 0.49 гектар ер майдонида 5-каватли турар-жой биноларини “ANVAR ZAMON NUR” маъсулияти чекланган жамияти томонидан қурилишига руҳсат берилсин.

2. Қурилиш ишлари вилоят Қурилиш Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган АРТ ва лойиҳа ҳужжатлари асосида, вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рўйхатдан ўтказган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

3. Туман бош архитектори И.Рашидовга қурилиш ишларини белгиланган муддатда лойиҳа ҳужжатлари асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Х.Хамраев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Қ.Собиров

